



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 5 ноябрь, № 216 (4879) Пайшанба

ОБОД ЮРТГА КЎРКАМ УЙЛАР ЯРАШАДИ

Фаргона шаҳрида ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган минтақавий кўргазмаси муваффақиятли ўтди. У Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентда ўтказилган кўргазманинг мантиқий давоми сифатида водий аҳолисида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир
Айтиш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқлар қиёфасини тубдан яхшилаш, қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилиб, қишлоқ инфратузилмаси такомиллашиб бораётди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда имзоланган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни жонлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Гап шундаки, мазкур ҳужжатга асосан, жорий йил охиригача Фаргона водийси вилоятларида 200 га яқин уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилади.



Мўқимжон ҚОДИРОВ (ўз.) олган сурат.

(Давоми 2-бетда).

Аввал хабар берганимиздек, шу йил 3 ноябрь кuni пойтахтимиздаги "Ўзэксмарказ" мажмуасида очилган "Кончилиқ усқуналари — Mining World Uzbekistan — 2009", "Кимё, пластмасса, резина — ChemPlastAsia — 2009" ҳамда "Металлургия, дастгоҳсозлик, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш — MCA — 2009" халқаро кўргазмаларининг иккинчи иш кuni ҳам ниятда ишчан рўҳда, уюшқоқлик билан ўтди.

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодий тизимнинг барча соҳалари қаторида ушбу тармоқлар ҳам жадал ривожланиб бораётди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида машинасозлик ҳамда металлургия ишлов бериш йўналишида маҳсулотлар ҳажми олдинги йилнинг шу даврдагига нисбатан сезиларли даражада ортиб, 117,4 фоизга таъин шилди.

Кўргазма

Кўргазмаларнинг навбатдаги кунинда Беларусь Республикасининг "Белшина" ошқ ақциядорлик компаниясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. — Айнаи пайтда компаниянинг томонидан енгил, юк ва йўловчи ташуш транспортлари учун 250 турга яқин шина маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, улар дунёнинг кўпгина давлатларига етказиб берилмоқда. — дейди мазкур компаниянинг бошқарма бошлиғи Виктор Кўргазмалар доирасида соҳага оид мавзуларда турли семинар ва учрашулар ҳамда иштирокчиларнинг тақдимот маросимлари ўтказилаётгани, айниқса, ўз самарасини бераётди. Негаки, қатнашчилар бу каби тадбирлар орқали нафақа уларини таништиришти, балки янги-янги ҳамкорлар топиш имкониятига ҳам эга бўлишарди.

Кўргазмалар доирасида соҳага оид мавзуларда турли семинар ва учрашулар ҳамда иштирокчиларнинг тақдимот маросимлари ўтказилаётгани, айниқса, ўз самарасини бераётди. Негаки, қатнашчилар бу каби тадбирлар орқали нафақа уларини таништиришти, балки янги-янги ҳамкорлар топиш имкониятига ҳам эга бўлишарди.

Дилшод УЛУМУРDOV, «Халқ сўзи» мухбири.

МИЛЛИЙ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИНИНГ ХАВФСИЗ, ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР ИШЛАШИ — ЭНГ УСТУВОР МАСАЛА

Қозғоғистоннинг алоҳида ишлаш режимидаги ўтиш ва Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидан чиқиб бораётган ташаббуси буғун катта баҳо-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Шуни эслатиш жоизки, Қозғоғистон Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидан чиқиб бораётган биринчи мамлакат эмас. Маълумки, 2003 йилнинг ойида ушбу тизимдан Туркменистон ажралиб чиққан эди.

Уз-ўзидан савол туғилади: нима сабабдан бундай қарорга келинди? Нима учун шу пайтгача мавжуд бўлган Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими барҳам топмоқда? Нега у мазкур тизимда аъзо мамлакатлар ўртасида миллий энергетика тизимларининг барқарор ишлашини сақлаш масалаларида низоли вазиятларни пайдо қиладиган манбага айланмоқда?

Бугунги кунда ушбу тизим қай даражада самарали ишлатилгани ва нима сабабдан минтақанинг етакчи давлатлари ундан чиқиб қарор қилганини таҳлил этиб кўрайлик. Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими ва "Энергия" мувофиқлаштирувчи диспетчерлик маркази ўзи нима? Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, мазкур марказнинг курсатмаларига қўйилган амал қилинмайдиган ва марказ аъзо мамлакатларнинг ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш имконини берадиган ҳеч қандай амалий механизмга эга эмас.

Ҳолисона таҳлил шундан далолат берадики, минтақанинг Бирлашган энергетика тизимидagi ишлар доирасида унга аъзо айрим давлатлар фақат ўзининг тор манфаатларини қондиришга

уринмоқда. Бунда ушбу хатти-ҳаракатлар бошқа давлатлар учун юзага келтирилган салбий оқибатлар ҳисобга олинмаётган.

Келишилмаган хатти-ҳаракатларнинг давом этаётгани ва Мувофиқлаштирувчи диспетчерлик маркази буйруқларига бўйсунмаслик, баъзида эса Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимига аъзо айрим мамлакатлар томонидан энергетика тизимларининг параллел ишлаш режимида қўпол тарзда бузилиши оқибатида мунтазам равишда авариялар рўй бермоқда, диспетчерлик режимида бузилиши яна кузатилади. Бунга Тожикистон энергетика тизимининг ягона режимида ишлаган ҳолда, электр энергиясининг рухсатсиз олиб кўйилмаслигига, шунингдек, ички энергетика тизимларининг таъмирлардан ҳимоя қилишга қатъий ишонч йўқ.

Барча муносабатлар фақат ваъдалар ва қуруқ сўзга асосланган, аммо амалда, бу электр энергиясининг рухсатсиз олинишидан ҳимояланган механизмнинг аниқ ишлатилиши, лимитдан ортиқ олинган электр энергиясининг сўзсиз қайтариш қарорини бермайдиган. Айрим миллий энергетика тизимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли етказилган зарарни қоплаш ҳақида эса гапирмасча ҳам бўлади.

Сўнгги йилларда (2002 — 2009 йиллар) тармоқдан электр энергиясини рухсатсиз олиш ҳолатлари такрорланган бўлиши боис, Қозғоғистон бир томонлама тартибда Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими билан параллел ишлаш режимида икки марта чиққан ҳам бундан тасдиқлади. Хусусан, Қозғоғистон

энергетика тизими 2009 йилнинг 26 февралдан 11 мартга қадар минтақа мамлакатларида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш борасидаги номуносиблик туфайли Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидан алоҳида режимида ишлади. Айнаи пайтда, Тожикистон Қозғоғистондан қарийб 100 миллион кВт/соат электр энергияни режадан ташқари олди.

2009 йилнинг октябридан Қозғоғистон ягона энергетика тизими билан Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими чегарасида салдо ҳажмининг сезиларли равишда бузилиши яна кузатилади. Бунга Тожикистон энергетика тизимининг номувофиқ ишлатилиши ва 100 миллион кВт/соатдан ортиқ ҳажмдаги электр энергиясининг рухсатсиз олиниши сабаб бўлди.

Бундай вазиятда Қозғоғистоннинг электр тармоқларини бошқариш бўйича миллий компанияси «KEGOS» ақциядорлик жамияти тизимий оператор сифатида Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг параллел ишлаш режимида чиқиб ва бундан маълум қилиниши ниятида эканини бир неча марта маълум қилди ва жорий йилнинг 24 октябрида шундай бўлди ҳам. Қозғоғистоннинг шимолий қисми Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими билан параллел ишлаш режимида ажралиб чиқди.

Буларнинг барчаси Қозғоғистон томони Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими билан параллел ишлаш режимида чиқиб ҳақида расман маълум қилиши учун сабаб бўлди. Бу ҳақда, жумладан, Қозғоғистон энергетика ва минерал ресурслар вазирининг ўринбосари Дуйсенбой Турганов 2009 йил 3 ноябрь кuni журналистларга маълум қилди.

Бироқ афсуски, «Энергия» мувофиқлаштирувчи диспетчерлик марказининг тегишли ваколати йўқлиги сабабли миллий энергетика тизимларининг хавфсиз, барқарор ва ишончли ишлашига бевосита хавф соладиган бундай хатти-ҳаракатлар такрорланмаслигига ҳеч ким буғун қарор беролмайди.

Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг бугунги иш шариоти Ўзбекистон энергетика тизимининг барқарор ва хавфсиз фаолият кўрсатишига реал хавф солади ва бундай ҳолат мазкур тизимдан чиқиб ҳамда алоҳида режимида ишлаш масаласини ўртага қўлади.

Ўзбекистон томонидан энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлашга доир кўрилатган чора-тадбирлар мамлакатимиз энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш имконини беради.

«Ўзбекэнерго» давлат ақциядорлик компанияси юзага келган бундай шариотда Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими ва «Энергия» мувофиқлаштирувчи диспетчерлик марказининг бундан буён фаолият кўрсатиши учун имконият йўқ, деб ҳисоблайди.

Бундай қарорга келиниши миллий энергетика тизимларининг янада барқарор ва ишончли ишлаши учун шарт-шароит яратди.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖИЗЗАХ. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Ғаллаоролдаги Рамазон, Чаёни, Янгиобод ҳамда Форишнинг ўртақишлоқ ва Бекат қишлоқларига ичимлик суви қувурлари тортилди.

Сув қувури тортилди

Натижада ҳудуддаги икки мингдан ортиқ хонадон зиллол сув билан таъминланди. Айнаи вақтда вилоятдаги 14 та қишлоқнинг ичимлик суви тармоқларини реконструкция қилиш ишлари ҳам якунига етмоқда. Шу каби мақсадларни амалга ошириш учун 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Б. САТТОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ. "Аква Тўдакўл" қўшма корхонаси жорий йилнинг ўтган даврида 216 минг АҚШ долларлик балиқ ва балиқ маҳсулотларини экспорт қилди.

«Аква Тўдакўл»нинг ташаббуси

Айтиш лозимки, навоийлик ишбилармонларга вилоятдаги Ҳайдаркўл, Тўдакўл ва Шўркўл сув ҳавзалари балиқчиликни сердаромад соҳага айлантиришда асосий манба бўлмоқда. Эътиборлиси, вилоят балиқчилари ўтган тўққиз ой мобайнида аҳолига 948,8 тонна балиқ маҳсулотлари етказиб беришди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Ғиждувон тумани Бандликка қўмаклашиш маркази ҳузуринда қасаначиликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида "Хунарманд" уюшмаси ташкил этилди.

Касаначиларга амалий ёрдам

Айнаи пайтда уюшмага аъзо бўлган касаначилар сони 324 нафардан зиёд. Улар 50 турга яқин тикувчилик, зардўзлик, дурадгорлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда.

Тажриба сифатида ташкил этилган мазкур уюшма ҳозирда касаначилик фаолиятини йўлга қўйган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш ишларига ҳам ҳомилий қилмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ. Деновдаги "Сурхон мевасабзавотлари" масъулияти чекланган жамияти нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги технологик линияни ишга туширди.

Деновнинг ширмой нонлари

Хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда бир кеча-кундузда 10 минг дона мазали нон ёпилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

Муҳими, янги цех ишга туширилиши туфайли 15 киши ишли бўлди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТДАГИ "TOSOL-N" корхонаси транспорт воситалари учун маҳсулоти — антифриз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

"Tosol-N"нинг янги маҳсулоти

Импорт ўрнини босувчи ушбу маҳсулот харидорлари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир корхонада кунига 20 тонна антифриз тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаётди. Янги йилдан бошлаб, бежирим идишларга қадоқланган маҳсулот шартнома асосида Ҳамдўстлик давлатларига ҳам сотилади.

О. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми **13,7** фоизга ўсди.

Республикамизда қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлаш жараёнини кенгайтириш орқали барча ишлаб чиқарувчилар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, рағбатлантириб борилгани натижасида тармоқда ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.



БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича Навоий шаҳрида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, корхоналарни кенгайтириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш кенг йўлга қўйилган.

Йўналишида иш бошлади. Улар тижорат, темирчилик, турли хилдаги панжаралар ясаш, зардўзлик, сарторошлик, қандолатчилик соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари, ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида 30 нафар хотин-қиз касбга қайта тайёрлаб, келгусидаги иш фаолиятларида замин яратилди.

Ислоҳот

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро асосида уй меҳнати, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига жами 5910 та янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро асосида уй меҳнати, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига жами 5910 та янги иш ўрни яратилди.

Шаҳардаги йирик саноат корхоналарида касаначиликка мўлжалланган иш ўринлари яратишда ҳам самарали натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2006 йилдан бундан ҳозиргача 4966 та касаначилик иш ўрни барпо этилди.

Жорий йилнинг ўтган ойларида 113 та корхона ва ташкилот томонидан 986 нафар ишчи муқим меҳнат ўрнига эга бўлди. Айниқса, Навоий КМКда бу мuddатда 773 нафар, “Навоийэлектрон” ОАЖда 375 та, “Кизилқуммет”да 202 та, “Навоийдонмаҳсулотлари” ОАЖда 228 та, “Навоийэлектромех” КЕАЖда 163 та касаначилик иш ўринлари ташкил этилган аҳоли бандлигини изчил таъминланаётганлигидан далолатдир.

Марказимизда хотин-қизларни иш билан банд қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, “Кизилқуммет” корхонасида жорий йилда 45 нафар хотин-қиз касаначилик

ролар учун шаҳардаги 142 та корхона ва ташкилотда 1991 та квота иш ўринлари барпо этилди. Унга ҳозиргача 1494 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро жойлаштирилди. Шундан 561 нафари хотин-қизлардир. Айни вақтда шахримиз корхоналарида фуқароларни бўш иш ўринларига жалб қилиш мақсадида турли ярмаркалар ташкил этиш аниқланаётган. Бунинг натижасида, айниқса, салмоқли ишлар амалга оширилаётган. Хусусан, касб-хўна қўшимчилигини бигирган 178 нафар ёш йилгит-қиз тегишли корхона ва ташкилотларда уй меҳнат фаолиятларини бошлашди.

Аҳоли бандлиги — фаровонлик гарови. Бу жараён изчиллик билан амалга оширилар экан, юртимизда фуқаролар турмуш даражасининг янада юксалишига замин яратилади. Зеро, аҳоли фаровонлиги юртимиз таракқиёти билан бевоқиф бўлмайди.

Раҳим ЭЛМУРДОВ,
Навоий шаҳар Бандликка кўмаклашув маркази директорининг ўринбосари.

ОБОД ЮРТГА КЎРКAM УЙЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида ўтказилган минтақавий кўрғазмада яқка тартибдаги замонавий уй-жойларнинг лойиҳавий намуналари, қурилиш материаллари намойиш этилди. Лойиҳалар водий иқлим шариоти, географик жойлашуви инobatта олинган ҳолда пухта ишлаб чиқилгани, иситиш, коммунал тизим тармоқлари билан таъминлаш кўзда тутилгани, айниқса, қишлоқ аҳолисига манзур бўлаётган.

— Минтақавий кўрғазма ташкил этилгани биз каби янги уй қурмоқчи бўлганлар учун аниқ мuddа бўлди, — дейди фарғоналик фуқаро Аскаралӣ Эркабоев. — Чунки бу ерда камқаражатли, аммо кўркам уйларнинг лойиҳалари намойиш этилди. Менга 4 хонали тураржой лойиҳаси, айниқса, маъқул бўлди. Ундаги шариотлар шаҳарикидан асло қолшмайди.

Бу йил Фарғона вилоятининг ўзбекистон туманидаги Ҳайитобод, Фарғона туманидаги Минданобод қишлоқларида ҳам 40 та худди шундай шарт-шароитга эга замонавий уй-жой барпо этилади. Андижон ва Наманган вилоятларида эса янги типдаги қишлоқлар қуриш ишлари жадал олиб борилаётган.

Кўрғазмага келган 10 мингдан ортиқ аҳоли “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ҳамда “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг хизматлари билан танишиб, уларни қизиқтирган саволлар юзасидан батафсил маълумот олдилар. Фарғона водийсида фаолият юритаётган “Қувасой таъмир қурилиш”, “Чимёнфорум”, “Андижон-кабель”, “Темир-бетон буюмлари маҳсулотлари ишлаб чиқариш”, “Узрберид”, “Техноло-ГР” каби корхоналар ўз маҳсулотлари намойиши асносида кўплаб шартномалар имзолашга эришдилар.

Шу маънода, минтақавий кўрғазма томонлар учун қутилган самарали ўтди, дейиш мумкин. Бу қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очиб, аҳоли турмуш даражаси янада юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Набижон СОБИРОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

туширилган, ҳар бир корхонада 20-30 тадан янги иш ўринлари яратилади.

Қувонарлиси, модернизация натижасида шу йилнинг август ойигача “Богот текстиль” корхонасида 1736,3 минг, “Котонтекс” корхонасида эса 183,2 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бундай корхоналар вилоятнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг шарофати туфайли иқтисодиётимиз тобора ривожланиб, ўсиш суръатлари барқарорлик касб этаётган, аҳоли турмуши эса кундан-кунга фаровонлашмоқда. Буларнинг барчаси ҳукуматимизнинг янги ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга қаратилган, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган инвестиция сибсатининг самарасидир, албатта.

Ойбек РАҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

МУСТАҲКАМ ВА КАФОЛАТЛИ БАНК ХИЗМАТИ

инкироз шароитида ишончли ва самарали эканлигини кўрсатмоқда

даврдa икки баробар ошиши кўзда тутиляптир.

Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатиши кафолатлайди. Қолаверса, сенаторларимиз томонидан юқори палатанинг ўн саккизинчи ялли мажлисида муҳокама этилган ва маъқулланган Қонун билан мамлакатимизнинг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш банк ва Фонд маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда амалга оширилади экан бўлди. Бу, табиийки, шундоқ ҳам дунёда тўлов қобилияти ипотека кредитлари ҳисобига кескин тушиб кетган, омонатчилар ўз маблағларини зудлик билан қайтариб олишига шошиляётган бир шароитда оқилона ва пухта ўйланган қарор эди. Чунки фуқароларнинг тижорат банклари депозитларидаги омонатларининг давлат томонидан

нончи, Президентимизнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга биноан, **Мушоҳада**

тижорат банклари жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли кўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли асосда кредитлар бериши, молиявий но-чор корхоналарни соғломлаштириши ва янги мулкдорларга сотиши белгиланди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мана шу талабдан келиб чиқиб, тижорат банклари балансида олинган 35 та корхона қайта тикланиб, мулкдорларга сотилди. Уларга мулкдорлик томонидан 87,9 миллиард сўм миқдорда инвестиция жалб этилиши натижасида 12 миңдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этил-

ди. Банклар ҳам, ўз навбатида, тасарруфига олган корхоналарга 44 миллиард сўмдан ортиқ сармага киритди. Энг муҳими, ушбу корхоналар йил бошидан бери 20 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шундан 8 миллиард АҚШ долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда

Эътироф этиш керак, мамлакатимизда бу борада етарлича тажриба туғланди. Бу ҳақда юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорларидан иборат миссияси таркибидан бўлган Клауд Д. Штайн фирм бандир экан, Халқаро валюта жамғармасининг ўзбекистондаги иқтисодий сибсати, амалга ошириляётган ислохотлар суръати, ташқи қарзлар сибсати, иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг роли, шунингдек, банк фаолиятини баҳолашга нисбатан нуқтаи назари сўнгги пайтда ижобий томонга кескин ўзгарганини, шубҳасиз, бунга ўзбекистоннинг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида амалга ошираётган ўз иқтисодий сибсати тўғри эканлигини намоян қила олгани сабаб бўлганини қайд этади.

Султон ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси.

МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Айни кунда жойларда қишки мавсумга ҳозирлик ишлари қизғин бормоқда. Хусусан, аҳоли яшаш пунктлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва ташкилотларда иссиқлик, электр энергияси, табиий газ ҳамда ичимлик суви таъминотидаги муаммо ва камчиликлар бартараф этилиб, ушбу тармоқлар саз ҳолатга келтирилмоқда.



Жараён

Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 23 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009/2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада дастуриламал бўляпти.

Наманган вилоятида ҳам ушбу қарорга мувофиқ амалга ошириляётган ишлар эътиборга лойиқ. Жумладан, “Наманган электр тармоқлари” очик акциядорлик жамияти жамоаси шу кунга қадар вилоятдаги барча электр қурилмалари ва тармоқларини қиш мавсумига тайёр ҳолга келтирди. Чунки, 700 та турли қувват ва ҳажмидаги трансформаторлар, 1700 километрдан зиёд электр тармоқлари ҳамда юқори қучланишли тармоқлардаги етмишга яқин ўлчагич-

лар капитал таъмирланди.

СУРАТДА: вилоятдаги “Оромғи” кичик станцияси муҳандиси (напдан) Зафаржон Назаров ва электр устаси Абдумалик Мирзазахидов.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
олган сурат.

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида иқтисодий-техник тарихий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилаётган.

ИНВЕСТИЦИЯНИНГ БУНЁДКОР КУЧИ

Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Хоразм вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоятдаги корхоналарга барча молиявий манбалар ҳисобидан 174 млрд. сўмлик инвестиция жалб этилган бўлса, унинг 17,4 млрд. сўминини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва

кредитлар ташкил этди. Пировардида иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланмиш саноат соҳасининг ўзига 12 млрд. сўмдан ортиқ сармага йўналтирилиб, ишлаб чиқаришга энг замонавий чет эл технологияларини татбиқ этишга эришилди.

Жорий йилда эса вилоят худудий инвестиция дастурига кўра, иқтисодиёт тармоқларига 15,5 млн. АҚШ доллар миқдорда инвестиция жалб этиш режалаштирилган. Унинг 7,6 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Бу маблағнинг ўзлаштирилиши натижасида қўшимча 27,9 млрд. сўмлик сифатли маҳсулот иш-

лаб чиқарилиб, 440 нафар киши иш билан таъминланади. Агар ўтган ойлар мобайнида белгиланган инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришга йўналтирилганини ҳисобга ол-

лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бирга, жорий йилнинг ўтган даврида 36 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб, туфайли

Модернизация

“MEGASFERA” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, “Самхоз-шифер”, “Темир йўлчи”, “Хоразм шифер” масъулияти чекланган жамиятлари сингари янги корхоналар иш бошлади. Айни кунларда эса “Урганч” ОАЖда совуҳ хом ашёси ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. “Урганч экскаватор” акциядорлик жамиятида Хитой билан ҳамкорликда экскаваторлар ишлаб чиқариш

Маълумки, Америка Қўшма Штатларида ўтган йилнинг кузида сайёрамизнинг барча давлатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий инкироз бошланганди. Ҳозирга қадар ушбу молиявий бўҳроннинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида кўплаб мулоҳазалар, фикрлар билдирилди. Кимдир АҚШ банклари томонидан ипотека кредитлари бериш тизимининг ҳаддан ташқари осонлаштирилганини қораласа, бошқа таҳлилчилар уни йиллар давомида олиб борилган иқтисодий сибсатининг оқибати сифатида баҳолашди.

Бу фикрларда маълум даражада ҳақиқат бор, албатта. Чунки АҚШда кейинги йилларда аҳолининг истеъмол талаби шу даражада ошдики, пировардида уларнинг харажатлари тоғдан даромадларидан бир неча ҳиссага кўпайиб кетди. Оқибатда, истеъмол ва ипотека кредитлари бозорида боқиманда қарзлар ниҳоят даражада ортиди.

Табиийки, банклар инкироз ёқасига бориб қолиши, яъни уларнинг тўлов қобилияти тушиб кетиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва корхоналарида катта йўқо-тишларга олиб келди. Аввало, дунёда истеъмол товарларига бўлган талабнинг кескин камайиши боис ишлаб чиқариш суръати пасайди. Миллионлаб кишилар ишсиз қолди.

Мамлакатимизда ана шундай вазият юз бермаслиги учун Юртбошимиз раҳнамолигида қўрилган чораларни алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, Инкирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланиб, ҳаётга изчил татбиқ этила бошланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Узсаноат-қурилиш банк”, “Асакабанк”, “Кишлоқ қурилиш банк”, “Агро-банк”, “Халқ банк” каби етакчи банкларнинг капиталлашув даражасини ҳамда инвестициявий салоҳиятини ошириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. «Микро-кредитбанк»нинг низоом жамғармасини қўлайитиришга оид Президент Фармони қабул қилингани эса инкироз шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш механизмининг янада мустаҳкамла-ди. Натижада мамлакатимиз банкларининг жами капиталли, қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобидан, 2009 йил бошида 40 фоизга оширилди, айни пайтда бу кўрсаткич 2010 йилгача бўлган

Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига гaмхўрлик қилади.
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 42-модда).

Интеллектуал мулк, ихтирочилик ва инновация — иқтисодиёт тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан. Шу бoс бу масалаларга оид патент ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк муҳофазасини таъминлашга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, рақобатбардошликни ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш бугунги кундаги устувор вазибалардандир.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этиляётган Инкирозга қарши чоралар дастурида ҳам корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазибалар эса, шубҳасиз, инновацион фаолиятнинг ривожи, уларни амалиётта самарали татбиқ этишга боғлиқдир.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори айни шу мақсадда қабул қилиниб, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожига замин яратди. Зеро, ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технология янгилашда бунинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учун илмий тадқиқот институтлари ҳамда реал сектордаги тармоқлари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда инновацион гуялар ва лойиҳалар Республикаси ярмаркаси ўтказилиб келинмоқда.

Пойтахтимизда “Инновацион фаолиятни ривожлантиришда патентлар ва патент аборотининг аҳамияти” мавзусида бўлиб ўтган семинарда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Бунюҳафоз интелектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда халқаро экспертлар, инновацион ташкилотлар вакиллари, олимлар ва оммавий аборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директори Б. Оминов мамлакатимизда интеллектуал мулк муҳофазасини кучайтириш ва кўллаб-қувватлаш доимий эътиборда эканини таъкидлади. Ушбу жараённинг ҳуқуқий асослари яратилиши борабора дунинг ижроси изчил таъминланмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида кўплаб халқаро шартнома ва битимларда иштирок этмоқда, халқаро ҳамда мин-

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

«Миринаэ» талафоти

Вьетнамда кузатилаётган «Миринаэ» тўфони талафотлари охири бормоқда, дейилади «The Bangkok Post» нашрида.



Табиий офат 40 кишининг умрига зомин бўлган, 60 нафар одам эса жароҳатланган, ўн киши бедарак йўқолган. Тинимсиз ёғаётган ёмғир туфайли мамлакатнинг қатор ҳудудларида сув тошқинлари келиб чиққан. Хавфли минтақалардаги 50 минг киши бошқа жойларга кўчирилган бўлса-да, яна қўллаб одамлар иморатларнинг томида жон сақлашмоқда.

Ўз ўрнида қолди

Афғонистонда ташкил этилган президентлик сайлови мuddатидан олдин якунига етди.


Бунга давлат раҳбари бўлишга даъвогарлик қилаётган Абдуллоҳ Абдуллоҳнинг ушбу сийёсий кампанияда қатнашишдан бош торгани сабаб бўлган. Шу босис Афғонистон Мустақил сайлов комиссияси яқинда йўналишда шундай тўхтама келинган. Эслатиб ўтамиз, «General Motors» жорий йилнинг сентябрь ойи бошида мазкур компания сотилишини билдирганди. Унга «Magna» ҳамда «Сбербанк» асосий харидор бўлиб турганди.

сияси яқинда номзод — Ҳамид Карзайни мамлакат президенти, деб эълон қилди. Президентлик сайловининг иккинчи босқичи жорий йилнинг 7 ноябрь кунини ўтказилиши режалаштирилганди.

Компания сотилмади

«Associated Press» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, «General Motors» автоконцерни тасарруфидаги «Opel» компаниясини сотмасликка қарор қилган.

Автоконцерн бошқарувининг навбатдаги йиғилишида шундай тўхтама келинган. Эслатиб ўтамиз, «General Motors» жорий йилнинг сентябрь ойи бошида мазкур компания сотилишини билдирганди. Унга «Magna» ҳамда «Сбербанк» асосий харидор бўлиб турганди.



Кутилганидан ҳам қиммат

Нью-Йоркдаги «Christie's» аукционидан таниқли мусавир Эдгар Деганинг «Раққоса» («Danseuses») асари 10,7 миллион АҚШ долларига сотилди.

Бу ҳақда савдо уйи матбуот хизмати хабар тарқатди. Таъкидлаш керак, 1896 йилда яратилган мазкур санъат асари ўтмиш ва ҳозирги замон ранг-тасвир ишларининг ноёб дурдонаси сифатида баҳоланган. У 7-9 миллион АҚШ доллари атрофида пуллангани кутилганди.

Шунингдек, савдолар чоғида Клод Моне, Поль Синьяк, Тамара де Лемпица каби рассомларнинг ижод намуналари ҳам қиммат нархларга сотилган.

Гаровдагилар билан алоқа ўрнатилди

Сомалилик қароқчилар томонидан гаровга олинган «Thai Union 3» кемаси экипажи аъзолари билан алоқа ўрнатилган.

Кисқа мuddатли суҳбатдан маълум бўлишича, уларга ҳеч қандай зийн етказилмаган. Таиланд давлатига тегишли мазкур кема октябрь ойида гаровга олинганди. Таажубланарлиси, ҳозиргача қароқчилар уни қўйиб юбориш учун ўз талабларини маълум қилишмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Alliance Insurance advertisement with logo and contact information.

Кераксиз дея ташлаб юборганингиз — қандайдир буюм, шиша, қоғоз ёки пластмасса маҳсулотларининг ерга сингиб, йўқ бўлиб кетиши учун қанча вақт зарурлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмишсиз? Хисоб-китобларга қараганда, оддийгина сақич икки йилда, деразалар учун ишланган ойна 400 йилда, пластмасса эса қарийб 5000 йилда(!) йўқоларкан. Лекин бу вақт давомида уларнинг атроф-муҳитга ва соғлигимизга салбий таъсири-чи? Масаланинг эътибор талаб қиладиган жиҳати ҳам аслида шунда. Дунё аҳолисининг йил сайин ортиб бориши, саноатнинг жadal ривожланиши табиий равишда чиқиндилар миқдорининг кўпайиб, ушбу муаммонинг янада ўткирлашишига сабаб бўлаётир. Шу босис ҳозирда қатор мамлакатлар чиқиндилардан бир амаллаб қутулиш эмас, балки ундан самарали фойдаланиб, муҳим даромад манбаига айлантириш ҳақида ўйлашмоқда. Қолаверса, глобал иссиш ҳамда табиий захираларнинг тез суръатда тугаб бораётгани мукобил манбаларга бўлган эҳтиёжни тобора орттирмоқда.

ЧИҚИНДИДАН... ДАРОМАД

Янги технологияларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши дунё миқёсида чиқиндини қайта ишлаш саноатининг ўсишига туртки бераётир. Масалан, 1990 йилда хонадонлардан чиққан турли буюмларнинг фақатгина 32 фоизи қайта ишланган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 62 фоизни ташкил этмоқда. Хизматини ўтаб бўлган курилтиш ашёларининг эса қарийб 90 фоиздан яна бир қарра фойдаланишга эришиляпти. Бу йўналишда маълум бир тажриба тўплаган давлатлар кўпайиб бормоқда. Шулар сирасига Германия ҳамда Финляндияни киритиш мумкин. Мазкур мамлакатларда қоғоз чиқиндиларнинг 70 фоиздан зиёди қайта ишланмоқда. Бу жуда юқори кўрсаткич. Лекин дунё миқёсида олиб қараганда, ҳамма жойда ҳам бу борада мавжуд имкониятлар тўла ишга солилмаётгани кўзга ташланади. Ҳозирда сайёраларимиз бўйича чиқиндиларга тўпланаётган икклиматчи хом ашёнинг 30 фоизини айнан қоғозлар ташкил этаётгани бунинг яққол далилидир.

Кераксиз бўлиб қолган дераза ойналарини яна истеъмолга қайтаришда эса Бельгия 95 фоизлик кўрсаткич билан илғорлик қилиб турибди. Швеция ва Норвегияда ҳам қайта ишлаш саноати яхши йўлга қўйилган. Маълумотларга кўра, Европада ҳар йили 80 миллиард донна атрофда пластмассадан асалган идишлар ишлаб чиқарилади. Швецияда ана шу маҳсулотларнинг 90 фоизи қайта ишланмоқда. Албатта, бундай даражага эришиш учун ҳар бир давлат ўзига хос чора-тадбирларни қўллаётти. Чунки чиқиндини йиғиш, ташиш ва саноатга жалб қилиш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Айнан Швеция ҳамда Германия тажрибасига назар солсак, бу ерда пластмасса идишлардаги маҳсулотни харида қилсангиз, унинг белгиланган нархига қўшимча маблағ тўлашнингизга тўғри келади. Агарда фойдаланиб бўлганингиздан кейин идишларнинг эътиборини ҳисобга олиш керак.

Технологияларнинг йил сайин таракқий этиб бориши ҳам янгидан-янги чиқинди уюмларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Уларнинг асосий қисминини компьютер ҳамда қўл телефонлари ташкил этади. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қарай этилишича, ер юзидан ҳар йили 50 миллион тоннадан зиёд электрон технологиялар ишлаб чиқарилмоқда. Маълумки, янги сотиб олинган битта компьютер ўрта ҳисобда икки йил фойдаланилади. Шундан келиб чиқиб, сўнгги ўн йил ичида чиқиндиларнинг 7,5 миллион тонналик компьютер жиҳозлари эвазига кўпайгани аниқланган. Улар таркибидега темир, пластмасса, ойна, кумуш, платина каби эҳтиёж учун зарур қимматбаҳо хом ашёлар бор.

Истеъмолга яроқсиз деб топилган қўл телефонларининг тўпланиши ҳам ортмоқда. Масалан, биригина АҚШнинг Калифорния штатида қўлга 45 мингта уяли алоқа воситаси чиқиндиларга ташланаркан. Уларнинг ҳар бири таркибидега қарийб 10 долларга тенг хом ашё мавжуд. Ана шу чиқиндиларни тўғри бошқариш, шубҳасиз, иқтисодий самарадорликни оширади. Айнан Америка Қўшма Штатларининг ўзи шундай давлатлар сирасига кирди. Хусусан, мамлакат ҳар йили чиқиндини тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнига тахминан 40 миллиард доллар атрофида маблағ сарфласа, ушбу саноат ортдан қарийб 236 миллиард доллар даромад олишга эришади. Урта ҳисобда АҚШда жами чиқиндининг 31 фоизи қайта ишлашга йўналтирилади, 55 фоизи эса махсус жойларга тўқилади. Лекин уларнинг катта майдонни эгаллаши шундоқ ҳам жой масаласи танқис бўлиб турганда ортиқча ташвишдир. Шу босис ҳукумат чиқиндиларни турғи қараб ажратишда ҳам мақсадли фойдаланишга интиломоқда. Нью-Йоркдаги Кеннеди халқаро аэропорти айнан шундай ҳудудга барпо этилганини кўпчилик билмас керак.

Японияда эса чиқиндилардан сунъий ороллар барпо этилган. Уларда янги шаҳарлар ташкил қилинган аҳолининг тураржойга бўлган эҳтиёжини қоплашда бетакор восита бўлиб хизмат қилмоқда. Кунчиқар юрт вакиллари чиқиндиларни турғи қараб ажратишда ҳам кўпчиликка ўрнак бўлишади. Бунини шаҳарга жойлаштирилган ахлат тўкиш қутиларининг уч-тўрт тоифага бўлинишида кўриш мумкин. Яъни, шиша, тунука ва пластмасса идишлар истеъмолдан сўнг алоҳида қутига

Бундан ташқари, ҳар бир чиқиндини турғи қараб ажратишга эришишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки келгусида чиқиндини қайта ишлаш саноатининг жadal ривожлангач, бу орқали корхоналаримизнинг хом ашёни ишлаб чиқаришига тийёрлаш учун кетадиган ортиқча харажати тежаллишига ҳисса қўшган бўламиз. Пировардида икклиматчи маҳсулотлар бозоридаги нарх-навоининг мақбул бўлиши таъминланади.

Advertisement for «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ, including contact info and services.

га, қоғоз ва картон маҳсулотлари бошқа қутига тўқилади, қолган буюмлар ҳам айри-айри ташланади. Одамлар амалда шунга ўрганишган. Айниқса, атроф-муҳитни кўпроқ ифлослантириши мумкин бўлган чиқиндилар махсус плёнка пакетларга ўраб-чирмаб топширилиши эътиборга лойиқ.

Чиқиндиларнинг турғи қараб ажратилиши ташиш фаолиятини энгиллаштириб, қайта ишлаш жараёнидаги харажатларни, қисман бўлса-да, камайитиришга ёрдам беради. Рағбатлантириш ҳақида гап кетганда, битта мисолни келтириш мумкин. Токио префектурасининг айрим ҳудудларида маълум бир миқдордаги эски газетани топширсангиз, кир ювиш қукуни ёки гигиеник қоғозларни бепул олишингиз мумкин бўлади. Бу ҳам ўзинга хос тажриба.

Мамлакатимизда ҳам чиқиндиларни бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2002 йилда қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун ва бошқа шу каби қатор меъёрий ҳужжатлар муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шаҳарларимизда чиқиндиларни тўплаш ва ахлатхоналарга олиб бориб ташлаш ишлари тизимли йўлга қўйилган. Қайта ишлаш саноатини ривожлантириш бўйича ҳам анчагина ишлар қилинмоқда. Аммо ҳали эътиборни кучайтириш лозим бўлган масалалар йўқ эмас.

Шу ўринда бир жиҳат ҳақида фикр билдирсак. Пойтахтининг аҳоли сони жиҳатидан мамлакатимизда етакчи ўринда туради. Табиийки, шунга мос равишда бу ерда қўнғи минглаб тонна турли хил чиқинди йиғилади. Уларни тартибга солиш ишлари доимо бошқа ҳудудларга ўрнак бўлиши лозим. Турғи, ҳозирда Тошкентнинг ҳар бир мавзеси ва маҳаллаларида махсус ахлат тўкиш жойлари ташкил қилинган. Чиқиндиларнинг вақтида олиб кетилиши ҳам таъминланмоқда. Лекин гап одамларнинг чиқиндини махсус жойларга қандай тўкаётганида. Эътибор берсак, аксариятини хонадонларимиздан чиққан чиқиндиларни челақда олиб бориб, шундай лиғича махсус идишларга (баъзи жойларда ерга) ағдарамиз. Натижада у олиб кетишда ноқулайлик турдириш билан бирга, атрофга ёқимсиз хид тарқатади, соғлигимизга ҳам зарари бор. Агарда ахлат учун плёнка пакетлардан фойдаланишга ўтсак, ҳам ташишни энгиллаштиришга ёрдам берган бўламиз, ҳам тозалик таъминланади.

Бу каби кенг қўламли тадбирлар натижасида вилоятда бир неча ўнлаб турдоли янги халқ истеъмоли моллари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Б. НОРҚИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

300 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ Мингбулоқ туманидаги «Мингбулоқ водий йағи» ҳусусий корхонасида миллий мато — адрас ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, туманининг Жомашуй шаҳарчасида фаолият юритаётган корхона томонидан илгари пилла ипақка айлантирилиб, хом ашё сифатида сотилган бўлса, ҳозир бу ерда хорихдан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида адраснинг саккиз тури тўқилмоқда. Жорий йил бошидан буюн корхона жамоаси икки бозорга 300 миллион сўмлик тайёр маҳсулот етказиб берганлиги эътиборга лойиқ. Айни пайтда бу ерда янги қувватларни ўзлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА

Қашқадарёда жорий йилнинг ўтган даврида кичик саноат корхоналари сони 262 тага кўпайди.

Айтиш лозимки, вилоятда бундай корхоналарни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш орқали ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, замонавий техника ва технологиялар харид қилиш учун 4,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, олинган фаолият кўрсаткичлари 88 та кичик корхонани модернизация қилиш учун 79 миллиард сўмлик инвестиция киритилди.

Б. НОРҚИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for «Росагропромснаб» МЧЖ, featuring gas equipment and contact info.

Advertisement for LOK KOLOR SINTEZ, featuring a bird logo and product details.

Advertisement for Dell laptops, featuring Latitude D 430 and XPS M1330 models.

Advertisement for CSP pipes, featuring technical specifications and contact info.

